

**Кўппартиявийлик тизими мамлакатда инсон ҳуқуқларини  
таъминланишининг муҳим омили**

**Джамиев Бекзод Акрамович**  
Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат  
техника университети Олмалиқ филиали  
“Ижтимоий-гуманитар фанлар”  
кафедраси доценти, сиёсий фанлар  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация**

*Мазкур мақолада кўппартиявийлик тизимининг мамлакатни ривожлантиришидаги муҳим омил эканлиги, жамиятда фикрлар хилма-хиллигини шакллантиришидаги ўрни ва аҳамияти, фуқароларнинг сиёсий онги ҳамда сиёсий маданиятини оширишидаги ўрни, ижтимоий адолатни таъминланишидаги роли ёритилган. Шунингдек, кўппартиявийлик тизими мамлакатда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда қонуний матфаатларини таъминланишидаги муҳим омил эканлиги таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** сиёсий партиялар, кўппартиявийлик, сайлов, давлат, демократик давлат, жамият, парламент, фикрлар хилма-хиллиги, инсон ҳуқуқлари.

**Abstract**

*This article highlights the fact that the multi-party system is an important factor in the development of the country, its role and importance in the formation of diversity of opinions in society, its role in increasing the political consciousness and political culture of citizens, and its role in ensuring social justice. It was also analyzed that the multi-party system is an important factor in ensuring the rights, freedoms and legal interests of people and citizens in the country.*

**Key words:** political parties, multi-party system, election, state, democratic state, society, parliament, diversity of opinion, human rights.

Инсониятнинг кўҳна тарихи ҳар бир жамият янги ғоялардан ҳаракатга келишини ва шу тариқа доимий янгиланиб боришини исботлаб берган.



Жамиятда хилма-хил ғояларнинг мавжудлиги унинг демократик бошқарувга, барқарор мувозанатга эга ва яшовчан бўлишини таъминлайди. Жамиятга янги ғоялар кириб келишида воситалар кўп. Сиёсий партиялар янги ғояларни “ташувчи” муҳим оммавий воситалардан биридир.

Тарих шундан гувоҳлик берадики, партиялар ўз-ўзича пайдо бўлмайди, улар жамиятнинг янги ғояларга бўлган эҳтиёжларига мос равишда вужудга келади. Ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, авваломбор, шу юрт ҳаётида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача айтганда, ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи галда, аниқ ғояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни олдинга сурадиган, химоя қиладиган ва ҳаётга татбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади[1].

Ўзбекистонда ўз дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш йўлида фаолият юритаётган, тарафдорлари кўп ёки камлигидан, сиёсий платформасидан қатъи назар, барча сиёсий партиялар учун бирдек хос. Улар мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш ва кўппартиявийлик тизимини шакллантириш борасида пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилган ислохотларнинг маҳсулидир.

Мустақилликни қўлга киритгач, собиқ иттифоқ ҳудудидаги айрим давлатлар шошма-шошарлик ва бетартиблик билан ўзларида турли демократик моделларни синаб кўришга ва жорий этишга киришдилар. Бу давлатлар турли “демократия ҳомийлари”нинг мақтовларидан жазавага тушиб, ғарб демократияси олови атрофида тинмай рақсга туша кетдилар. “Тўрт-беш йилда демократик давлатга айланамиз”, деганлар, ўзларини “демократия ороли” деб эълон қилганлар ҳам бўлди. Улар демократик жараёнларни сунъий йўллар билан тезлаштириш мумкин ва шу орқали жамият ўз-ўзини тартибга солади, деган ақидага амал қилдилар[1].

Ўзбекистон эса бу йўлдан бормади. Мамлакатимиз раҳбарияти мустақилликнинг илк кунлариданоқ Биринчи Президент Ислам Каримовга хос қатъийлик ва собитлик билан, ҳавойи мақсадларга берилмай, яқка партиянинг мутлақ ҳокимлигига асосланган бир тизимдан демократик бошқарув тизимига ўтиш осон ва тез кечмаслигини, кўппартиявийлик шароити ўз-ўзидан барпо бўлмаслигини теран англаган ҳолда, ўзига хос миллий тараққиёт йўлидан борди. Давлат ва жамият ҳаётига демократик ислохотларни жорий этишда шошилмасдан, айрим ташқи кучларнинг сиёсий жараёнларни асосиз



тезлаштиришга қаратилган даъватларига ва ваъдаларига чалғимасдан, халқимиз салоҳияти ва менталитетига таяниб, мавжуд тарихий шарт-шароитдан келиб чиқиб иш кўрилди.

Ўтган давр Ўзбекистон танлаган бу йўл нақадар тўғри ва ҳаққоний эканлигини исботлаб берди. Кеча бизга идеал қилиб кўрсатилган, “демократия ороли” бўлган давлатлар бугун ўзларининг турли “ҳомийлари” ўртасида чорасиз қолиб, уларнинг “хайр-эҳсонлари” умидида у ёқдан-бу ёққа ҳудди музтоғ (айсберг) сингари сузиб юрганлигини, бу мамлакатларда шошма-шошарлик билан амалга оширилган ислоҳотлар тескари натижалар бериб, жамиятни янгидан-янги ўткир ижтимоий-сиёсий муаммоларга кўмиб ташлаганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз[1].

Яна бир факт шундан иборатки, бу давлатларда жамиятни ислоҳотларга тайёрламасдан туриб, айрим раҳбарларнинг кўр-кўрона амбициялари асосида қабул қилинган қарорлар амалда ҳаққоний кўппартиявийлик тизими таркиб топишига хизмат қилмасдан, маълум бир партияларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва таъсири ўта кучайиб кетишига, қолган сиёсий кучларнинг эса ўта заифлашиб, жамият ҳаётидан четда, яққаланиб қолишига олиб келди. Бу эса кўппартиявийлик тизими характери ва моҳиятига тамомила зиддир. Чунки, бундай шарт-шароитда кўппартиявийлик асосини ташкил этадиган ғоялар кураши фаол кечмайди, давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим қарорлар барча сиёсий кучлар ва улар таянган ижтимоий гуруҳларнинг хоҳиш-иродаси, ўзаро мувозанатга асосланган муштарак манфаатлари асосида эмас, аксинча амалдаги ҳукмрон кучлар таянадиган партиянинг ва гуруҳларнинг таъсирида қабул қилинади.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳозирда ривожланган давлатларда амал қилаётган замонавий демократик андозалар ва тамойилларга тўла мос келади. Шунингдек, бу ислоҳотлар моҳиятида халқимизнинг тарихий давлатчилик анъаналари ва миллий хусусиятлари ҳам ўз аксини топган[2].

Юртимиздаги кўппартиявийлик шароити турли сунъий моделларсиз, табиий, халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва интилишларига мос равишда шаклланиб борди, дейишга бугун тўла асос бор. Одамлар онг-тафаккурида босқичма-босқич демократик ўзгаришларнинг содир бўлиши жамиятимизни ҳаракатга келтира бошлади, янги ғояларга эҳтиёж туғилди. Бу эса янги сиёсий кучларнинг вужудга келиши учун замин яратди. Шу тариқа юртимизда сиёсий партиялар сони ортиб, уларнинг фаолияти жонлана борди. Муҳим жиҳати шундаки, бу сиёсий кучлар қандайдир ҳавойи мақсадлар ва кимларнингдир



хоҳиш-истаги билан пайдо бўлмади. Уларни янгиланаётган жамият ва одамларнинг ўзи майдонга келтирди. Ўз навбатида давлат янги партияларнинг пайдо бўлишини муҳим демократик ҳодиса сифатида баҳолаб, уларнинг самарали фаолияти учун зарур имкониятлар яратиб беришга интилди [4].

Ўтган даврда амалга оширилган демократик ислохотлар, энг аввало, жамиятимизда фуқароларнинг эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари ва фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) таъминланишига, одамларимизнинг онгу тафаккури янгиланишига шароит туғдирди.

Кўппартиявийлик эркинлик ва инсон ҳуқуқлари тушунчалари билан ўзаро боғлиқ ва доимо алоқададир. Эркинлик таъминланган жамиятдагина кўппартиявийлик муҳити вужудга келиши мумкин. Жамиятда хилма-хил сиёсий кучларнинг мавжуд бўлиши фуқароларнинг ўз манфаатларини англашига, уларни ҳимоялаш мақсадида турли ижтимоий гуруҳларга уюшиб, ўз салоҳиятини юзага чиқаришига ёрдам беради. Айнан кўппартиявийлик шароитида инсон ўзини эркин, дахлсиз ҳис этиб, оиласи ва жамият тақдирига дахлдорлик масъулиятини англайди ҳамда давлат бошқарувида фаол иштирок этишга интилади. Партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, фуқароларнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади [4].

Шу маънода Ўзбекистонда шаклланган ва жадал ривожланиб бораётган кўппартиявийлик тизими халқимизнинг ақлий ва маънавий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга, давлатимиз ва жамиятимизнинг ижтимоий тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлган инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилмоқда, десак хато бўлмайди.

Кўппартиявийлик тизими жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда ҳам муҳим функцияларни бажаради. Партиялар фуқароларнинг ўзаро мувозанатли, келишув асосида муносабатлари таркиб топишини, жамиятнинг тизимли ривожланишини таъминлайди, фавқулодда, қутилмаган силсилалар содир бўлишининг олдини олади. Кўппартиявийлик шароитида турли ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадлари аниқ, яққолроқ кўринади ва шу орқали жамиятда умумий манфаатлар мувозанатини қарор топтириш мумкин. Бу эса барқарор тараққиёт учун жуда муҳимдир.

Кўппартиявийлик шароитини шакллантиришга қаратилган ислохотлар Ўзбекистонда мустақиллик даврида мутлақо янгича сиёсий тузум барпо бўлишига хизмат қилди. Бу ислохотлар давлатнинг ролини аниқлаштирди, сиёсий институтларнинг ўзаро ҳамкорликда ва боғлиқликда барқарор



ишлашига, жамиятимизда ўз ғоялари, электорати ва профессионал сиёсий кураш маданиятига эга, ўзини ва рақибларини ҳурмат қиладиган сиёсий партиялар пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки берди. Энг муҳими, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар бир жойда тўхтаб қолмасдан изчил давом эттирилмоқда [3].

Мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг бугунги босқичида сиёсий партиялар биринчи навбатда сайлов жараёнларида фуқароларимизнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирокини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Партиялар воситасида жамиятимизда ва фуқароларнинг кундалик ҳаётида демократик қадриятлар ва тамойиллар тобора мустаҳкам илдиз отиб бормоқда. Шунинг билан бирга вужудга келаётган янгича сиёсий майдон ҳар бир сиёсий партиядан ўз-ўзини доимий таҳлил қилиб бориш асосида, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини ҳам тақозо этмоқда.

Кўппартиявийликда инсон ҳуқуқларининг таъминланишида партияларининг ҳокимият учун курашдаги соғлом рақобат ётади. Улар ҳокимиятга эгалик қилиш учун халқдан мандат олишга интилади. Мандат олишнинг бирдан бир йўли эса қонунларга тўлақонли равишда риоя этиш ва халқ манфаатини ўйлаш асосий ғоя сифатида уларнинг олдида туради. Агар шу ғоясини амалга оширмас экан улар кейинги сайловларда мағлубиятга учраши мумкинлигини англайди. Шунинг учун жамиятда инсон ҳуқуқлари, халқ манфаатлари, қонун устуворлигига амал қилишга мажбур қилади. Мана жамиятда кўппартиявийлик нимага олиб келади. Асл моҳият шунда жамиятда ҳокимиятни бошқарувчи бир-бирига рақобатбардош кучларни шакллантириш асосий мақсад кўппартиявийликда. Яъни ҳокимиятни мен сендан яхшироқ бошқараман деган ғояни илгари суради ва шунинг учун курашади. Бунинг учун эса халқдан мандат олиш керак бўлади. Шу сабабли улар хоҳлайдими йўқми ўз мақсадларига эришишда халқни манфаатларига хизмат қилишга мажбур бўлади. Жамиятда кўппартиявийликнинг қарор топиши жамиятнинг барча жабҳаларида ўзаро соғлом рақобатни вужудга келтириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди.

## References



1. <http://islomkarimov.uz/uzc/article/islom-karimov-millij-goya-va-mafkura-kontseptsiyasi-asoschisi>.
2. Akramovich, D. B. (2021). Participation and Activity of Political Parties in the Formation of Parliament in Uzbekistan. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, 1(5), 205-208.
3. Yusupova, E. F., Djamiev, B. A., & Madaminova, N. Z. (2022). Multiparty System Opinions in Society as an Important Factor for Ensuring Diversity and Democratizing the Country. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 1782-1786.
4. Шухрат Орипов. “Сиёсат” ахборот-таҳлил маркази директори. Манба: [sharh.uz](http://sharh.uz).
5. ДЖАМИЕВ, Б. PARTICIPATION AND ACTIVITY OF POLITICAL PARTIES IN ELECTIONS IN UZBEKISTAN. *UNIVERSITETI XAVARLARI*, 2021,[1/6] ISSN 2181-7324.
6. Джамиев, Б. А. (2015). Узбекистан: исторический путь-залог демократии. *Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук*, (3), 84-87.
7. Djamiyev, B. A. (2015). UZBEKISTAN: HISTORICAL WAY TO DEMOCRACY. *Topical Issues of Humanities & Social Sciences*, 48(3).
8. Джамиев, Б. А. (2016). ИЗБИРАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ УЗБЕКИСТАНА. *Современные гуманитарные исследования*, (4), 77-79.
9. Akramovich, D. B. (2021). Participation and Activity of Political Parties in the Formation of Parliament in Uzbekistan. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, 1(5), 205-208.
10. Yusupova, E. F., Djamiev, B. A., & Madaminova, N. Z. (2022). Multiparty System Opinions in Society as an Important Factor for Ensuring Diversity and Democratizing the Country. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 1782-1786.
11. Джамиев, Б. А. (2020). Особенности формирования и развития многопартийности в Узбекистане. *Научный журнал*, 2020|547.
12. Musaev, O., Qarshiyev, S., Xudoyberdiyevna, G., Jamiev, B., & Yusupov, A. (2020). “Etnos” va “millat” kabi tushunchalarning ijtimoiy birlik sifatidagi ijtimoiy-falsafiy talqini. *Ilg'or fan va texnologiya xalqaro jurnali*, 29 (5), 1936-1944.
13. Qaxharova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.



14. Абсаттаров, Б. М., & Юсупова, Н. А. (2020). Эволюция взглядов об этике, этических критериях и этических нормах. *Учёный XXI века*, (12-1 (71)), 75-81.
15. Absattarov, B. M. (2019). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. In *НОВАЯ НАУКА: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 135-141).
16. Absattarov, B. M. (2019). SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE PERSON IN MODERN WORLD. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
17. Mamarasulovich, A. B. (2021). IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF ETHICAL CRITERIA AND NORMS.
18. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2021). Баркамол ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий мезон ва меъёрларнинг ўрни. *АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМА*.
19. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 154-163.
20. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 197-201.
21. Mamarasulovich, A. B. (2021). IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF ETHICAL CRITERIA AND NORMS.
22. Абсаттаров, Б. (2019). ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Scienceweb academic papers collection*.
23. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. *Вестник Каракалтакского государственного университета им. Бердаха*.
24. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *Scienceweb academic papers collection*.
25. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2019). Общность общечеловеческих и национальных ценностей в нравственном развитии. *ILM SARCHASHMALARI*.
26. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2018). INNOVATORY METHODS OF WORKING WITH UNORGANIZED YOUTH. *European Science Riview*.



27. MAMARASULOVICH, A. B. (2018). Zamonaviy sivilizatsiya rivoji va uning axloqiy mezonlari. *TDPU ILMIIY AXBOROTLARI*.
28. Safojevich, J. X., & Farrukh, N. (2021). The Relationship Between the West and the Islamic World in International Geopolitical Processes. *Middle European Scientific Bulletin*, 17, 280-283.
29. Sapayevich, J. X. (2022). OPPORTUNITIES OF CENTRAL ASIAN STATES IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL GEOPOLITICAL RELATIONS. *World Bulletin of Social Sciences*, 9, 129-131.
30. Санакулов, А. (2017). Духовность-основа информационной безопасности. *Молодой ученый*, (19), 231-234.10.
31. Sanakulov, A. N. (2019). MAINTENANCE OF THE WORLD OUTLOOK SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. *Социосфера*, (4), 54-57.
32. Санакулов, А. Н. (2022, January). ВЫРАБОТКА ИНФОРМАЦИОННОГО ИММУНИТЕТА-КАК ЗАЛОГ ПОВЫШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ЛЮДЕЙ. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference* (Vol. 2, No. 1).
33. Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. *JournalNX*, 897-903.
34. Nazarovich, S. A., & Olimjanovich, X. A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).
35. Olimjanovich, X. A. (2023, January). МОНИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА ТАСАВВУФ ЎЗИГА ХОС ЎХШАШЛИК ВА ФАРҚЛАР. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 244-251).
36. Эшпулатов, М. (2023, January). ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ-ТАРБИЯВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АДАБИЁТ ОМИЛИ. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 186-195).
37. Каримова, Г. А. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАХДИДЛАР. ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY QARASHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR, 3, 13-15.
38. Alimova, S. N. (2022, December). THE PLACE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABU NASR FORABI IN WORLD CIVILIZATION. In



---

INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS. (Vol. 1, No. 7, pp. 154-157).

39. Abdulkarimovna, K. G. (2022). YOSHLAR O 'RTASIDA JINOYATCHILIK VAHUQUQBUZARLIKLARNI OLDINI OLISH DOLZARB MASALA.

